



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети


1. Ольга Кобзева, Нодирабегим Ваисова ЎРТА АСРЛАРДА ХИТОЙДА СУҒД МАДАНИЯТИ.....	4
2. Фуркат Бозоров БУГУНГИ КУН ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИНИНГ ТАСВИРИЙ ЕЧИМИ.....	12
3. Муслима Базарова ПАРАЛИМПИАЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	16
4. Бахтиёр Болтабаев XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР.....	23
5. Гулчеҳра Султанова СУРАТГА МУҲРЛАНГАН ТАРИХ: ХИВАЛИК УСТАЛАР.....	27
6. Холмамат Раупов МУРУНТОВ – ЖАҲОННИНГ НОЁБ ЖАВОҲИРИ.....	33
7. Саламат Сулайманов XX АСР БОШИДА АМУДАРЁ СУВ ЙЎЛИ ТАРИХИДАН.....	39
8. Ислом Қаршиев XVII-XVIII АСРЛАР МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҒОЯЛАРНИНГ ГУМАНИСТИК МОҲИЯТИ (СЎФИ ОЛЛОЁР, ҲУВАЙДО АСАРЛАРИ АСОСИДА).....	46
9. Манзура Хасанова ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА.....	53
10. Бахромжон Хайназаров ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ ТАРИХИДАН.....	60
11. Нодира Раджабова “МАВРИГИ”ЛАР БУХОРО ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИНГ НОДИР НАМУНАСИ СИФАТИДА.....	65
12. Юлдуз Холхужаева САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ РУС МАНБАЛАРИДА (XIX АСР II-ЯРМИ).....	73



Бахтиёр Сабиржонович Болтабаев,
катта ўқитувчи
Наманган давлат университети

XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР

For citation: Bakhtiyor S.Boltabaev, PROBLEMS AND DEFECTS IN THE ELECTORAL SYSTEM OF THE TURKESTAN REGION AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY. Look to the past. 2022, vol. 5, issue 12, pp.23-26

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482925>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантирилгандан сўнг ўлка худудларида ўтказилган сайловлардаги адолатсизликлар, сайлов ўтказишдаги кўзбўямачиликлар, сайловларда қонунларнинг бузилишлари ва талаб даражасида ўтказилмаслиги тасвирланган. Бундан ташқари маҳаллий аҳолининг сайловлардан норозиликлари, маҳаллий аҳоли томонидан танланган номзодларни сайланмаслиги, сайловларни ўтказиш учун ажратилган пул маблағлари муаммолари ва камчиликлар тасвирланган.

Калит сўзлар: Сайлов қонун қоидалари, сайловдаги адолатсизликлар, сайловларга ажратилган пул маблағлари, маҳаллий аҳолининг сайловлардан норозиликлари.

Бахтиёр Сабиржонович Болтабаев,
старший преподаватель
Наманганский государственный университет

ПРОБЛЕМЫ И НЕДОСТАТКИ В ИЗБИРАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ ТУРКЕСТАНСКОГО КРАЯ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются несправедливости на выборах, проведенных на территории края, после колонизации Туркестана Российской Империей, фальсификации выборов, нарушения законодательства и проведения выборов на ненадлежащем уровне. Также описывается недовольство жителей выборами, неизбрание кандидатов, выдвинутых местными жителями, проблемы и недостатки средств, выделенных на проведение выборов.

Ключевые слова: избирательное право, избирательная несправедливость, избирательные фонды, недовольство местных жителей выборами.

Bakhtiyor S. Boltabaev,
Senior Lecturer,
Namangan State University

PROBLEMS AND DEFECTS IN THE ELECTORAL SYSTEM OF THE TURKESTAN REGION AT THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

ABSTRACT

This article describes the injustices in the elections held on the territory of the region, after the colonization of Turkestan by the Russian Empire, the falsification of elections, violations of the law and the conduct of elections at an inadequate level. It also describes the dissatisfaction of residents with the elections, the non-election of candidates nominated by local residents, the problems and shortcomings of the funds allocated for the elections.

Index Terms: suffrage, electoral injustice, electoral funds, dissatisfaction of local residents with the elections.

1. Долзарблиги:

Сайлов жараёнларини ўтказиш бу овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситаси ҳисобланади. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишни амалга ошириши, уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишининг энг муҳим шаклларида биридир. Сайловларни ўтказиш тартиблари, қонун қоидалари, одатда ҳар бир давлатнинг конституцияси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Сайлов жараёнларини ўтказиш турли кўринишда амалга оширилади. Сайловларда фуқаролар ёки уларнинг вакилларигина иштирок этиши мумкин. Сайловларни ўтказиш тартиби бизга тарихдан маълумки, очиқ ёки яширин овоз бериш йўллари орқали амалга оширилади.

2. Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, тадқиқотимизнинг объекти мустамлакачилик даврида Туркистон ўлкасида амалга оширилган сайлов тизими, сайлов жараёнидаги муаммолар ва камчиликлар тарихшунослиги тўғрисидаги маълумотлар ёритилади.

3. Тадқиқот натижалари:

Бизга тарихдан малумки Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантирилган сўнг сайлов жараёнларини ўтказишни янгича методларини ўйлаб топдилар. Янги жорий қилинган қонун қоидаларга кўра сайлов жараёнлари ўлканинг мустамлакачилик ғоялари ва рус амалдорлари манфаатлари учун хизмат қиладиган бўлиши керак эди. Ўлка ҳудудлари мустамлакага айлантирилишидан олдин Туркистон ўлкасида сайлов жараёнларини асосан маҳаллий халқ фуқаролари ўзлари яхши билган инсонни ва танлаган номзодларини сайлаганлар. Сайлов жараёнларида маҳаллий аҳоли ҳеч қандай тўсиқлар ва тақиқларга дуч келмаганлар. Аммо Туркистон диёри мустамлакага айлантирилгандан сўнг барча ҳудудларида сайловларни ташкил этиш уни ўтказиш маҳаллий аҳоли барчасини сайловга жалб қилиш жуда кўплаб муаммо ва камчиликларни келтириб чиқарган. Маҳаллий амалдорликка сайлов ўтказиш ва сайлаш учун Туркистон генерал губернаторлиги томонидан 1883 – 1885 йилларида қуйидаги тарзда пул маблағлари сарфланган:

1. Туркистон генерал губернатори томонидан барча ҳудудларда сайлов жараёнини ташкил этиш ва пул маблағларини ажратиш учун кўрсатма берилди. Ҳар бир сайлов участкасига эса 1000 рубль пул маблағларини сарфлаш буюрилган.

2. Ушбу масала Туркистон генерал губернаторлиги ҳудудининг кенглигини ҳисобга олиб уезд бошлиқлари зиммасига ҳавола қилинган. Чунки сайлов жараёнида асосий пул маблағлари сарф қилинадиган от, овул, туя, озиқ-овқат, соқчи ва таржимонлар жуда зарур эди.

Масалан, Хўжанд уезди бошлиғи 700 рубль пул маблағи унга етарли эканлигини маълум қилган. Бу албатта маҳаллий бюджетдан таъминланган.

3. 1876 йилги фармонга кўра Туркистон генерал губернатори томонидан барча уезд бошлиқларига маҳаллий бюджетдан 1000 рублдан пул маблағларини сарфлашга рухсат берилган. Шундай қилиб маҳаллий амалдорларни сайлаш учун 1882 йилда 700 рублдан 4900 рублгача пул маблағлари сарфланган [1.ЎЗМА И-1, 11-рўйхат, 251-йиғма жилд. 1-варақ.]. Мазкур ҳолатдан кўриниб турибдики, Туркистон генерал губернаторлиги томонидан ҳар бир сайлов участкаси учун ажратилган 1000 рубль қийматидаги пул маблағларини оддийгина сайлов учун бу пул маблағи ортиқча эканлигини таъкидлаганлар. Бундан асосий мақсад шу эдики, ўлка ҳудудидаги баъзи амалдорлар рус ҳарбийларига яхши кўриниш учун, уларга ўзларини яхши кўрсатиш мақсадида шу усулни танлаганлар. Аслида эса мазкур ажратилган пул маблағлари сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш учун етмас эди.

Бундан ташқари 1908 йилнинг 28 апрелида Туркистон генерал губернатори номига Самарқанд уезди Фалгар волости Варзаминор қишлоқ жамоасида истиқомат қилувчи 400 кишилиқ хонадон эгалари ва улар билан бирга Мирбобо Амурмуҳаммадов, Мирхусан Азимбаев ҳамда шу қишлоқда истиқомат қилувчи Мулла шариф Ниязов, Мулла Жунайдулло Бабаевлар қишлоқ оқсоқоли лавозимига ўтказилган сайловни ноқонуний ўтганлиги ва сайлов жараёнини ташкил этишда юзага келган муаммолар тўғрисида Туркистон генерал губернаторлиги номига ариза ёзганлар. Мазкур аризада Брежезийкийга турли кўринишдаги совға-саломлар яъни, айиқ териси ва икки ўрам эчки тўнидан тайёрланган кийим берилганлиги Мулла Жунайдулло Бабаев томонидан кўрсатилган [2.ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 706-йиғма жилд. 18-варақ.]. Бу эса ўз навбатида сайлов жараёнидаги адолатсизликнинг ёрқин намунаси дир. Мазкур оқсоқолликка ўтказилган сайлов белгиланган қонун қоидалар асосида амалга оширилмаганлиги, қишлоқ маҳаллий аҳолиси танлаган шахслар сайланмаганлиги, сайловда сайланган шахс Самарқанд уезди бошлиғи ҳисобланмиш подполковникка турли хилдаги совға-саломлар бериш йўллари орқали ўз мақсадларига эришганликлари такидланган.

Бундан ташқари, сайлов жараёнида адолатсизликлардан яна бир мисоли сифатида 1908 йил 12 июль Тошкент волостида яшовчилар Туркистон генерал губернатори номига шикоят хати йўллаганлар. Унда таъкидланишича, мингбоши лавозимига халқ орасида ҳеч қандай обрў-этиборга эга бўлмаган Музаффархон Хўжаҳолов сайланган. Аҳолининг шикоят хатида таъкидланишича, у доимо уезд бошлиғи Колшевнинг ўзига катта-катта совға-саломлар берган, Колшевнинг фарзандларини отда сайр қилдирган ва кўзичоқ совға қилган, бошқа фарзандларига эса турли хилдаги ширинликлар иёном этган [3.ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 706-йиғма жилд. 97-варақ.]. Мазкур шикоят хатига 1908 йилнинг 9 августидан Н:12224 сонли хабарнома билан Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори жавоб қайтарган. Мазкур хатда Музаффар Хўжаҳолов, инсофли халқ орасида катта обрў-этиборга эга деб таъриф берилган. Унга нисбатан бизда ҳеч қандай шубҳа ва гумонлар мавжуд эмас, деб таъкидланган [4.ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 706-йиғма жилд. 100-варақ.] У, мазкур лавозимга сайланишидан илгари, халққа олдиндан юқорида турувчи амалдорларга совға-саломлар бериб, бўлажак сайловда ўзи ғолиб чиқиши ҳақида гапириб берганлиги ҳам маълумдир. Тошкент волостида ўтказилган сайловда биринчи навбатда маҳаллий халқ ўзи танлаган номзодга овоз берганлар, лекин рус амалдорлари томонидан номзод тасдиқланмаганлиги маълум бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида рус амалдорларига ўзини яхши кўрсатган, совға-саломлар билан сийлаб турганлар сайловларда ғолиб чиққанликларини кўришимиз мумкин. Генерал губернаторлик томонидан юқоридаги шикоят аризасига берилган жавобдан ҳам кўришимиз мумкинки, сайлов жараёнларида пул эвазига сотиб олиш, порахўрлик иллатлари, турли хилдаги бериладиган совға-саломлар оддий халқнинг норозилигига сабаб бўлган.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб рус генерал губернаторлари томонидан маҳаллий аҳолимизга нисбатан берилган таърифга, яъни хабарномага назар ташлаймиз. 1911 йилнинг 1 январидан волост бошқарувчиси лавозимига сайланганларнинг сайлов муддати тугайди. Шунинг учун ҳам янги сайловлар ўтказилиши керак. Сайлов тизими бу маҳаллий халққа берилган иёномдир. Маҳаллий халқ аввал бу нарса нима эканлигини билмаган ва тушунмаган.

Хонлар давридаги бошқарувга ўрганган халқ буни яхши қабул қилмади. Шунинг учун ҳам савлов тизими салбий оқибатларга олиб келди [5.ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 888-йиғма жилд. 1-варақ.], маҳаллий халқ орасида катта норозиликларга сабаб бўлди. Бунинг асосий сабаблари, у элликбошилар кўлида эди. Элликбоши бу 50 та хонадонга масъул бўлган шахс ҳисобланади, халқ орасида обрўли инсон ҳисобланади, унга маош берилмаса ҳам жамоат ишларига, ишчиларни қурилишларга жалб этишга, материаллар олиб бериш, статистик маълумотлар тўплаш, йўллар қурилиши ва ҳоказоларга масъул ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у доимо пулга мухтож, сайловларда асосий ролни пул ўйнайди, сайловчининг шахсий фазилати эмас, деб таъкидланади. Сайловлар асосан ҳосил йиғими даврида ўтказилган. Шунинг учун ҳам қишлоқ оқсоқоллари ва уезд бошлиқлари кейинги босқичга сайланиши учун солиқ ва бошқа турдаги йиғимларни йиғиб олишда анчагина жонбозлик кўрсатганлар. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда волост бошқарувчилигига пахта учун пул берувчилар сайланган. Бунинг асосий сабаби улар ўзларининг савдо операцияларини бажаришлари учун қулай бўлиши учун шундай йўлни тутганлар. Агарда улар буни хоҳламаган тақдирда ўзларига тобеъ ёки яқин шахсларнинг номзодларини кўрсатиб улар орқали ўз ишларини юритганлар [6.ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 888-йиғма жилд. 2-варақ.]. Сайлов вақтида маҳаллий аҳоли 2 партияга бўлинганлар ва улар ўртасида сиёсий кураш бошланган. Аризабозлик сайловларни сотиб олиш ва ҳоказолар бунинг ёрқин мисолидир. Сайлов жараёнидаги сотиб олиш, порахўрлик иллатлари ҳеч қандай далиллар билан исботланмаган. Масалан, сайловда сотиб олиш йўллари орқали сайланган шахсларнинг ишидан мисол тариқасида 35 та кишидан фақатгина 2 таси иши исботланган. Сайлов жарёнларида пул маблағлари 600 – 900 рублгача сарфланган. Бу харажатларни сайловдан сўнг қайтариб олишга ҳаракат қилинган. Бу эса ўз навбатида қонуннинг бузулишларига сабаб бўлган [7.ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 888-йиғма жилд. 3-варақ.]

4. Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мустамлакачилик даврида Туркистон ўлкасида ўтказилган сайловларда амалдаги белгиланган қонун, низом ва қоидалар асосида ўтказилмаган, сайлов жараёнларида рус амалдорлари томонидан кўзбўямачилик ишларини юқоридаги архив материаллари асосида далиллар билан кўришимиз мумкин.

Иктибослар/Сноски/References:

1. ЎЗМА И-1, 11-рўйхат, 251-йиғма жилд. 1-варақ (UzNA I-1, list 11, collective volume 251. Sheet 1)
2. ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 706-йиғма жилд. 18-варақ (UzNA I-1, list 13, collective volume 706. Sheet 18)
3. ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 706-йиғма жилд. 97-варақ (UzNA I-1, list 13, collective volume 706. Sheet 97)
4. ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 706-йиғма жилд. 100-варақ (UzNA I-1, list 13, collective volume 706. Sheet 100)
5. ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 888-йиғма жилд. 1-варақ (UzNA I-1, list 13, collective volume 888. Sheet 1)
6. ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 888-йиғма жилд. 2-варақ (UzNA I-1, list 13, collective volume 888. Sheet 2)
7. ЎЗМА И-1, 13-рўйхат, 888-йиғма жилд. 3-варақ (UzMA I-1, list 13, collective volume 888. Sheet 3)



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

5 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 5, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 5, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000